

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАКОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

2022 йил «26» 01 ШАРТНОМАСИ  
19.01.2022-ФН

Электромолч  
ТШ/ЭТК номи

«ЖАДЭТК» АЖС ЧЕТОВИ асосида фаолият юритувчи рахбари  
(туман/шаҳар) электр таъминоти корхонасининг номи

«Электромолч» асосида фаолият юритувчи рахбарига  
(туман/шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

деб аталади) бир томондан «ЖАДЭТК» асосида фаолият юритувчи  
«Электромолч» (истеъмолчининг номи)

рахбари «А.А.А.А.» (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)  
(кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйлагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 168600 кВт.с. реактив кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 749250 сўмни, тариф бўйича ташқил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (керакстис ёзилсин)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий микроори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат кўрсаткичидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бегул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича;

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда Ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камамовчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмаган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланмаган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатилиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Қорхона» орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб даври тугатилган сўнг Электр таъминоти қорхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мажбур вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Қорхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «\_\_\_\_\_» санасига тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» қорхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озоқ этилади.

Арифметик ҳатolikлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва «Қорхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат қорхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олинган ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда

мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлик узилгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

«Корхона» томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватта уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажми ёзиш учун қўшиб борилади. (6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирди).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфнинг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртacha суткалик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинмади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фойздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фойзи микдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган қорхоналар учун эса 0,2 фойз микдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фойзидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақилларига

ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;  
ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида

уларнинг ишлашига ташқаридан аралаштириш хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;  
электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний

улашиш, талон-тароҳ қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қондирувчи қилиб бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси хақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябидан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Қорхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Қорхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартрилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажминини ўзгартриш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаятган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахста) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур

техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳафсизлик техникаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Қорхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

«Қорхона» вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳат бериш;

йил мўбаинида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш

бошланишидан қамда бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун «Қорхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжини аниқлашда электр энергиясини

электр тармоқларидан қўлатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва мамырий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ё ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Қорхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришига мажбур:

истеъмол килинаётган қуватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қуватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қуват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технология; яққа тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруритини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олинган ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олинган тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳужалиги объектларидаги носозлиқларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олинган хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошиқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, баргараф этиш ва бағавиш жавоб юбориш;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш; «Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.  
Қорхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Қорхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Қорхона» «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимида риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Қорхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди;

«Қорақалпоқ Худудий электр тармоқлари қорхонаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган миклордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Қорхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолган электр энергияси учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Қорхона» «Истеъмолчи»ни қарзорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музоқара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музоқара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20*02* йил *31* гана бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугатилганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугатишдан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатдан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатида ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шартли билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

**VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**ИСТЕЪМОЛЧИ:**

Юридик манзили Шоҳтормончи йўлида 265-йўлдан 5-йўл

Ҳисобрақами 100028860358364096300075003

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 200390587

Республика ва маҳаллий бюджетдан мотиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг ҳисобрақами 23401000300100001070

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 20122919

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: 435-25-04 Факс: 435-1863 е. меил: \_\_\_\_\_

(Истеъмолчилар, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзили ёзилади)

Кадастр рақами \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

IFUT (ОКЭД) \_\_\_\_\_

ДВВТ (СООГУ) \_\_\_\_\_

МНОВТ (СОАТО) \_\_\_\_\_

(КФС) \_\_\_\_\_

TSHK (КОПФ) \_\_\_\_\_

**КОРХОНА:** Шоҳтормончи ДАТК.

Почта манзили Юнрак №53

Ҳисобрақами 2263600000314531487

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 200307207

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: 861-435-2894 Факс: 861-435-2992

**Статистик кодлар:**

ДВВТ (СООГУ) \_\_\_\_\_

МНОВТ (СОАТО) 435230.



Маълумотлар, энергиядан фойдаланиш шартномаси  
Узбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори талаблари мувофиқ  
тузилган. Қорғолар, ураслар, оловлар, электр энергиясининг хуқуқ ва мажбуриятлари ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари  
мониторинг бўлимида. Шартнома шартномачиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари шартномачининг шартномачи базаси тўғрисидаги қонун талабларига  
қолиб қолган. Шартнома шартномачиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари шартномачининг шартномачи базаси тўғрисидаги қонун талабларига  
жавоб беради. Шартнома шартномачиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари шартномачининг шартномачи базаси тўғрисидаги қонун талабларига  
қолиб қолган. Шартнома шартномачиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари шартномачининг шартномачи базаси тўғрисидаги қонун талабларига  
жавоб беради. Шартнома шартномачиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари шартномачининг шартномачи базаси тўғрисидаги қонун талабларига  
қолиб қолган.

Юристкаонсулт: \_\_\_\_\_  
(имзо)



Электр таъминотининг шартномасига  
I - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи II дф
2. Фаолият тури Буюқсиз
3. «Истеъмолчи» электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА  
(кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) 12
6. Ҳисоб-китоб тури: Очқ сарф ҳисоб

тариф тури: таъсислаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (керақлиси ёилдиан)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь	556,00				
Февраль	555,80				
Март	555,00				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади \_\_\_\_\_ соат, ойга \_\_\_\_\_ кун

Умумий юқламага нисбатан сменалар бўйича юқлағиш % ҳисобида I, II, III



Истеъмолчи

М.У. Ф.И.Ш., сана

Корхона

М.У. Ф.И.Ш., сана



Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истеъмолчининг» (субъект-молчининг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучининг тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори элема компонендлари корхона плембасининг рақами	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициентига		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлар и ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с
				Ток	Кучла- ниш			
Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучининг тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда  Истеъмолчи: 24 К.В.								430 сўм доконтинент

Имзолар:



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАҲЮЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловлар тузилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами \_\_\_\_\_ ток трансформатори \_\_\_\_\_ кучлиги  
трансформатори \_\_\_\_\_ эҳами коэффициент \_\_\_\_\_ улганган куввати \_\_\_\_\_ кВт  
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил \_\_\_\_\_

шаҳар, кфй, мфй, кўча, уй рақами

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_ Фаолият тури \_\_\_\_\_

Труба ш.ш.ч.ш. Шабоков: Улат, Плева ш.ш.ч.ш. Лева п.с.с. Насос, Савдо, Корх., Оқсота, Утасота ва...???

1. «Истеъмолчи»нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

б) кабель электр тармоғи \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_, кВА \_\_\_\_\_

2. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси \_\_\_\_\_

3. Улардан қуйидагиларга:

а) \_\_\_\_\_

б) \_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш «Истеъмолчи» ходимлари томонидан,

«Истеъмолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатиши» № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатиши» шартномаси тузмаса томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди:



Василлар:

Истеъмолчи

М.ў. (имзо)

Корхона

М.ў. (имзо)

(Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАҲЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_%, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_\_ фонзини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва I-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Қорхонанинг электр тармоқлари ва уйлارнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маънавий истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш усулларига чегара бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқолишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари қирқатлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:



Электр таъминотининг шартномасига  
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ

2022 йил 3 ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « 21 » 2022 йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициентлари				Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткич- ларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.						
	ток трансфор- маторининг (ТТ)	кучла- ниш транс- форма- торининг (КТ)	уму- мий	бошлан- ғич	омхртги	Эрта- лабис тигиз вақт			Кун	Кечки тигиз вақт	Тун	Совет			
												9-17	17-22	22-24	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13			
EX-18	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Аметиб	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
EX-518	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Аметиб	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами															

Изоҳ: 7 устуни = 6 устуни - 5 устуни, табақалаштирилган тариф рақами 7 устуни = 9 устуни +10 устуни +11 устуни +12 устуни  
+13 устуни;  
8 устуни = 7 устуни \*4 устуни



Истеъмолчи раҳбари  
Ф.И.Ш.ИМЗОСИ

Корхона энергетиги  
Ф.И.Ш.ИМЗОСИ

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурilmалари билан ажратилган таъминотлар уланиш вақтларини тулдирини шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иктисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий миқдори (кВ·А·р·соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланган қуваат коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қуваат коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устузма қўйилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича.

5% - реактив энергиядан иктисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қуваат коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

10% - реактив энергиядан иктисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қуваат коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устуамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобга қуваат коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб берилган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қуваат коэффициентни кўрсаткичлари белгилаб берилган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қуваат коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўзэнергоспеция»нинг тасдиқловчи бўлганда амалга оширилади.

Тариф четирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг қатта юклавмаи соатларида реактив энергия хосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юклавмаи соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Четирма қўйилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

Қорхона:

Қорхона:

Истеъмолчи:

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАҲОЛАТНОМА

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишпирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуна юкласини технологик брон даражасига пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, усқунанинг бузилиши, портлаш, ёнги, заҳарланиши ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

- I босқич \_\_\_\_\_ кВт
- II босқич \_\_\_\_\_ кВт
- III босқич \_\_\_\_\_ кВт
- IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўттанидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасига узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари шининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юклиниши остида қолдирилади.

б) Ёнгига қарши захира насослар ва бошқа ёнгига қарши агрегатлар авария бронига кирмайди, (ўнб, агрегатлар, заруратга қараб, олдидан қўриқлаш бронни келтирилган ҳолда тўхташга қаршиланиши мумкин).

Имзолар:

